

МУСТАҚИЛЛИК

ХУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

• Тадбир



• Эшитмадим демаглар

ЁЁ ОЛАДИГАН БОРМИ?

«Сурхонзоиқовқатсанаат» хиссадорлик жамиятига қарашли вилоятда ягона ёғ заводи тинимсиз ишлаб турибди. Кунига юз тоннадан зиёдрақ маҳсулот тайёрланмоқда. Бунинг учун жамоага раҳмат айта арзийди, албатта.

Энди бугунги эшитинг: 3 февралгача бўлган маълумотга қараганда корхона омборида 3572 тонна (!) пахта ёғи тўпланиб қолган. Маҳсулот кургурни қаерда сақлашни билмай, бошлари қотган. Чорасини топайлик дейишса, эркин савдо йўлига тўсиқ қўйилган. Тақсимот бўйича эса кунлик чиқими 15-18 тоннадан ошмапти. Маҳсулот ва пул айлониши мутлақо қоникарсиз аҳволда.

Ажабо, вилоят аҳолиси ёғ истеъмол қилмайдими? Уларнинг бу борадаги эҳтиёжи қандай манба ҳисобидан қондирилаётир? Умуман юзага келган аҳволни вилоят ҳокимлиги, қолаверса, республиканинг шу соҳага мутасадди раҳбарлари қандай изохлашаркин?

Курбон ЖУРАНАЗАРОВ,
«Хуқуқ» мухбири.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси давлат автомобил назорати бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 январдаги ва Сирдарё вилоят ҳокимининг шу йил 13 январдаги Фармойишларига асосан вилоят ҳудудида шу йилнинг 20 январидан 20 февралга қадар «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Ушбу тадбирнинг биринчи ўн кунлигида олиб борилган ишлар «Ҳаракат хавфсизлиги»ни ташкил қилиш ва ўтказиш комиссияси йиғи-

лишида кўриб чиқилди. Комиссия раиси вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Жабборов ўтказилаётган ойлик ўз самарасини бераётганлигини ва тадбирни янада уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча ташкилот, корхона раҳбарлари кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш ишларини янада кучайтиришлари лозимлигини таъкидлади.

Вилоят ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўлларда транспорт воситалари ва пиёдалар ҳа-

ракати устидан назорат кучайтирилди. Ушбу давр мобайнида йўл ҳаракати қоидаларини бузган 10.000 нафарга яқин ҳайдовчи ва пиёдалар аниқланди ҳамда уларга нисбатан тегишли маъмурий чоралар кўрилди.

Бу тадбир самараси яққол кўзга ташланмоқда. Утган йилнинг шу даври билан таққослаганда йўл-транспорт ҳодисалари сони бирмунча камайди.

З.МУХИДДИНОВ,
Сирдарё вилояти ИИБ ДАН
бошқармаси бошлиғи, милиция
полковниги.



Ушбу сонда

ТАДБИРКОРЛИК КАФОЛАТЛАРИ
ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

2-б.

ОТА «МЕҲРИ»

6-7-б.

БОЛАЛАР ТАҚДИРИ -
КЕЛАЖАК ТАҚДИРИ

5-6-б.

ДАМ ОЛИШ
САҲИФАСИ

8-б.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ТУРКИСТОН» ГАЗЕТАСИ МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИДАН

ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ
ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН
ҚУРМОҚДАМИЗ

Ахир тўкиб-сочиб қилинаётган тўртта тўй ўрнига битта мактаб курси бўлади-ку! Ахир шу мактабда бегона эмас, ўзимизнинг фарзандларимиз, эртага сизу бизнинг ўрнимизга келадиган, чирогимизни ёқадиган, шу ватанга эгаллик қиладиган ўғил-қизларимиз ўқийди-ку!

Аслида инсон эҳтиёжлари чексиз бўлиб, унга доимо нимадир етишмайди. Лекин ҳар бир одам нафс балосидан жудо бўлишга интилмоғи ҳерак. Чунки, ҳамма кулфат ана шу нафс балосидан келиб чиқади.

Марҳумлар хотирасини эслаш, эъзозлаш - савоб иш. Шунинг учун ҳам биз кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши билан Номаълум солдат майдонини Хотира майдони деб аташга аҳд қилдик.



Данагадан Маъзи Ширин. А. МАМАТКУЛОВ олган сурат.

Республикамиз Конституциясининг 53-моддасида хусусий мулкнинг бошқа турдаги мулклар сингари қонуний кафолатлангани барча фуқароларнинг хусусий мулк эгаси бўлишига ва

Республикамизда туб иқтисодий ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб, мустақил давлатчилик асосларини шакллантириш, мулкрий муносабатларни ривожлантириш, кўп укладли иқтисодийётни барпо этиш, янгича иқтисодий оғнини шакллантириш сингари ўта муҳим вазифалар ҳал этилмоқда. Шу тўғрисида мамлакатимизда кишиларнинг мулкдор бўлишдек орзусининг амалда ушалишига кенг имконият яратиб берилди.

тадбиркорлик билан шуғулланишига ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб берди.

Фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишининг ҳуқуқий асослари Конституциядан ташқари яна бир қатор қонун ҳужжатларида ривожлантирилган.

Мамлакатимиз Президентини И.Каримовнинг таъбири билан айтганда «... биз иқтисодий ўзгаришлар жараёнини республикада ўрта мулкдорларнинг чинакам синфини шакллантиришдек долзарб вазифани ҳал қилиш билан боғламоқдамиз. Одам ўзини чинакамага мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз ҳуқуқлари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самардорлиги учун мулкдор сифатида курашмайди. Жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишига интиломайди».

Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда тадбиркорлар эҳтиёжларини, манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий кафолатлайдиган, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларнинг тартибга солинишига оид қонун ижодкорлиги бирмунча жадаллашди.

Шу йилнинг январ ойида матбуотда умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланиши учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар янада кенгайтирилган.

Қонун лойиҳасида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан рағбатлантиришга йўналтирилган самарали ҳуқуқий дастлавларнинг амалда бўлиши назарда тутилган.

Фикримизча, мазкур қонун лойиҳасида белгиланган қондалар өзасиндан амалётич ҳуқуқшуносларнинг фикр-мулоҳазаларини келгусида қабул қилинадиган қонун нормаларини янада мукамаллаштириш бора-

• Қонун лойиҳаси муҳокамада

жавобгарлик асослари белгиланганлиги тўғрисида, қайтарилардан ҳали бўлиш учун, 20-модданинг 2-қисми лойиҳа матнидан чиқарилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1-моддасида товарлар, хизматлар ва молиявий маблаглар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда эркин ҳаракатда бўлиши белгиланганлигини инобатга олиб, бу қонидани махсус қонунда янада ривожлантириб демократлаштириш учун Қонун лойиҳасининг 24-моддасида «пул ўтказиш йўли

тибда муҳофаза этилади» жумласи киритилиб, «билан кўрикланади ва давлат томонидан ҳимоя қилинади» жумласи лойиҳа матнидан чиқарилишини тақлиф этамиз.

Янги Фуқаролик кодексига фуқароларнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишончлиги обрўсини ҳимоя қилишнинг турли шакллари назарда тутилган. Бунини инобатга олиб, Қонун лойиҳасининг 40-моддаси 1-хатбошисига «тадбиркорлик фаолияти субъектининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчан-



Хабарлар, Воқеалар, Янгиликлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 феврал куни мамлакатимизга ташриф буюрган француз ишбилармонлари билан учрашди.

Кейинги пайтда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида грипп ва бошқа касалликлар бўйича эпидемиологик вазият мураккаблашди. Ўзбекистонда ойни пайтда эпидемия вазият унчалик хавфли эмас, лекин хотиржамликка йўл қўйиб бўлмайди.

Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган Республика эпидемияга қарши кураш фақулдада комиссияси йилгилиши ана шу масалага бағишланди.

Гулистон шаҳрида, «Сирдарё вилояти чет эл инвесторлари учун ишончли ҳамкор» мавзусида учинчи халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда улўв бобоқалонимиз Захириддин Муҳаммад Бобур тавааллудининг 516 йиллиги кенг нишонланди. Шоир тугилиб ўсган юрт - Андижон тонталарининг маркази бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳўжалик юристуви субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг Жиззах вилоят ҳудудий комиссияси иш бошлади.

Хориж матбуоти хабарига кўра, Россия Федерациясининг Самара шаҳри ички ишлар бўлимининг биносига катта ёнғин чиққан. Дастлабки маълумотларга қараганда ёнғин оқибатида 37 киши ҳалок бўлган, 61 киши касалхоналарға ётқизилган, 37 киши бедарак йўқолган.

ТАДБИРКОРЛИК КАФОЛАТЛАРИ

ВА

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

сидаги депутатларимиз фаолиятига ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам, биз ҳаммасбларимизга мазкур қонун лойиҳаси бўйича баъзи бир фикр-мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик.

Давлат ҳокимияти, бошқарув идоралари ва бошқа мансабдор шахсларнинг «тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишни рўқач қилиб, уларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига аролашишининг олдини олиш учун Қонун лойиҳасининг 11-моддаси 2-хатбошисига «қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларға ҳам эга бўлиши мумкин» деган сўзлардан кейин «ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқларини, шу жумладан, уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ўз хоҳишига кўра тасарруф этадилар» - деб қўшимча киритилиши лозим, деб ўйлайман.

Қонун лойиҳасининг 20-моддаси 1-қисми «Якка тартибдоги тадбиркор ишлаб чиқараётган маҳсулотни (ишлар, хизматлар)нинг сифати учун жавобгардир» деган тахрирда боён қилиниб, «ўзи» сўзи матндан чиқарилиб ташланиши мақсадга мувофиқ. Бунда маҳсулот, хизмат ва ишлар сифати учун қонуний

билан ҳам» жумласидан сўнг «монеликсиз ва чекланмаган микдорда» сўзларини қўшиш Қонун лойиҳасининг демократик руҳини янада кучайтирган бўлар эди.

Қонун лойиҳасининг 31-моддаси 2-хатбошисига «тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди» жумласи киритилса тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан рағбатлантириш дастақлари аникроқ ифода этилган бўлар эди.

Қонун лойиҳасининг 34-моддасида «реализация қилиш» сўзи қилинди ошириш «ёки «рўйбга чиқариш», «норматив-ҳуқуқий» сўзлари «меъёрлий-ҳуқуқий» сўзлари билан алмаштирилса қондаларни боён этиш бирмунча равонок бўлган бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси ФК да интеллектуал фаолият натижаларининг муҳофаза этилиши ва ҳимоя қилиниши тартиби батафсил белгиланганлиги тўғрисида Қонун лойиҳасининг 38-моддаси 1-хатбошисига «мулкга ҳуқуқий қонун» сўзларидан сўнг «қонун ҳужжатларида белгиланган тар-

лик обрўси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳимоя қилинади» деган жумла киритилса, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг шахсий номулкий ҳуқуқларини фуқаролик-ҳуқуқий воситаларида ҳимоя қилиш тартиби ва ҳуқуқий асослари кенгрок боён қилинган бўлар эди.

Кодекслаштирилган махсус қонун ҳужжатларида суд қарорларининг ижро этилишини таъминлаш дастақлари батафсил белгиланганлиги инобатга олиб, Қонун лойиҳасининг 40-моддаси 3-хатбошисига тўлиқ лойиҳа матнидан чиқарилиши тўғрироқ бўларди.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолияти кафолатларининг янада мустаҳкамланишига, мамлакатимизда кичик ва ўрта мулкдорлар синфининг камол топишига, меҳнат ва шартнома интизомининг мустаҳкамланишига, ҳўжалик юристиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишига самарали хизмат қилади ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни жодаллаштириш сурьатларига ижобий таъсир кўрсатади.

Т.УМАРОВ,
Қаҳқаҳраё вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси.

Ўтмишни хотирлаш ўта савобли ишдир. Чунки, тарих келажакни яратди, деган гап бор. Ҳа, дарҳақиқат, миллий кадрларимизни ўрганиш, буоқ аждодларимизни, уларнинг маънавий меросларини хотирлашимиз ёркин келажакимиз пойдеворини қуришда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода Президентимизнинг 9 майни хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаш ҳақидаги тақлифларига фуқароларимизнинг муносабатини билиш ниятида мурожаат қилдик.

Фоғуржон Шамшиев,
Тошкент шаҳар «Нуроний» жамғармаси раиси муовини, ижрочи директор:
- Илгори ғалаба куни сифатида нишонланиб келинган 9 майни хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш ҳақидаги Президентимизнинг давотлари жуда ўринли деб ўйлайман. Зеро, бу кунда барча ўтиб кетган аждодларимизнинг руҳи поклари ёдга олинди, уларни хотираси бажо келтирилади.

Жамғармамиз томонидан Ватанимиз, халқимиз осийишталми учун жонига кириб, мислсиз қаҳрамон-

ликлар кўрсатган уруш қатнашчиларини ҳам ушбу кун муносабати билан тақдирлаб, уларға моддий ёрдамлар беришни ташкиллаштирмоқдамиз.

Бундан ташқари, аждодларимиз руҳини шод этиш мақсадига Хотира майдонининг қурилиши ҳам ўта хайрли тадбир бўлмоқда. Бу ерда янги мангу олов ёнида Ватан учун жонларда ҳалок бўлган, шу пайтдада аномўлум деган умумий ном билан ўритилиб келинган

• Қисқача

АҚШ Сенат суди ниҳоят мамлакат Президенти Б.Клинтон «киши»ға нуқта қўйди. Импи́чмент учун овоз бериш натижаларига кўра Б.Клинтон ўз олий вазоминини сақлаб қолди. Овоз бериш ниҳонсига ётгандан сўнг АҚШ Президенти баёнот бериб, ўз халқи ва Конгресс олдида қилган гуноҳи учун кечирим сўради.

Арманистон ҳукумати мамлакат Ички қўшинлар қўмондонини, генерал майор А.Марқарян ўлдирилганлиги факти бўйича олиб борилаётган тергов ҳаракатларида ёрдам кўрсатишини сўраб АҚШ ва Россияға мурожаат этди.

Боғдоғ Форс кўрғазидидаги АҚШ ва Буёқ Британия ҳарбий ҳаво кучлари томонидан Ироққа қарши қилинаётган ҳужум учун фойдаланаётган базаларни йўқ қилиш тўғрисида огоҳлантириш қилди.

Бу жой, шубҳасиз, ўзига хос гўзал эиераттоҳ ва тарбия маскани бўлиб қолади. Бу муқаддас қадамға фақат урушда шаҳид кетганларнигина эмас, балки халқимизнинг эрки ва озодлиги йўлида жонини тиккан Қодирий, Бехбўдий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари минглаб миллатимиз фидойиларининг хотираси учун ҳам тикланган обида бўлади.

Қаттол замон тақозоси билан халқимиз ўз даврида, бири «қизил аскар», бири «босмачи», бири «кулоқ», бири «комиссар», яна бири «муштумзўр», яна қай бири «йўқсил» деб гуруҳларға ажрати ташланган эди. Шўро ҳукумати «бўлиб ташлаб ҳўкмыронлик қилиш» учун энг маккор усулларни ишға солган, бир миллат вакилларини бир-бирига қарши қайраб, адоват ва низо уруғини сочган.

Миллий ғоя миллатини, халқни бирлаштиришға қаратилиши керак.



САРСОНЧИЛИКНИНГ ЧЕГАРАСИ БОРМИ?

«Мен Андижон вилояти, Балиқчи тумани Сиза қишлоғида туғилиб ўсганман. Тақдир тақозоси билан Улуғнор туманида яшовчи А.Тожибоевга турмушга чиқдим. Уртамузда фарзанд туғилди. Кейин тез-тез касалга чалинишим сабабли

турмуш ўртоғимдан ажрашишга тўғри келди. Балиқчи туман суди никоҳимизни 1991 йил 11 ноябрда бекор қилди. Аммо, ўғлим учун 25 фоиз миқдорда алимент олишим ҳақидаги АЕ-III ижро варақасини 1991 йил 1 июлга келиб беришди.

Ёхуд саккиз йилдан бери ижро этилмаган суд қарори ҳақида

... Ахир суднинг вазифаси фақат қағозда қарор чиқариб қўйиш эмас-ку! Адолат қарор топиши учун биринчи ўринда ана шу қарорларнинг ижросини таъминлаш лозим эмасми?

Касал ҳолим билан 8 йилдан буён Балиқчи ва Улуғнор тумани халқ судига қатнайвериб чарчадим. Соғлигим ёмонлиги, рўзгор тебратишига моддий жиҳатдан қийналиб қолганлигим учун алимент олишга муҳтожман ва бунга қонуний ҳуқуқим бор. Лекин Балиқчи туман суди ва Улуғнор туман судларининг сансалорлиги оқи-

батамида ҳалигача менинг шикоятим атрофлича ўрганилмаган ҳолда мен тегишли жавоб олмаганим йўқ.

Ҳурмати тахририят ходимлари! Илтимос, менинг бошимга тушган ушбу ташвишларнинг ижобий ҳал этилишига ёрдам беринизлар.

Жиззах вилояти, Зомин тумани «Оқар» ижара ширкати бирлашмаси Навоий кўчаси 2-уй, 2-хонадонда яшовчи

Майрамхон ҚОДИРОВА.

Ғимдн мактуб

«МЕНГА ЁРДАМ БЕРИНГ»

Ҳурматли тахририят, менинг аҳолимни тўғри тушуниб, ёрдам берарсиз, деган мақсадда ушбу мактубни ёзаялман.

Биз Ўзбекистонга 1992 йилда кўчиб келганмиз. 1995 йил 25 сентябрда турмуш ўртоғим бахтсиз ҳодиса оқибатида оламдан ўтиб, ошламиз боқувчисиз қолди. Уч нафар вояга етмаган фарзандларимни боқиш учун касалхонага ишга жойлашдим. 2000 сўм маош оламан, лекин бу нол болаларимни боқиш, кийинтириш, ўқитиш учун етарли эмас.

учун нафақа сўраб, маҳалла кўмитасига мурожаат қилдим. Лекин, менинг илтимосимни инобатга олишмади. Уларнинг айтишича, сабаби - Ўзбекистон фуқароси бўлмаганлигим экан. Энди нима қилишим керак? Вояга етмаган болаларим учун нафақа олишим мумкинми? Улар ҳам мен билан бирга 1992 йилдан буён яшаш жойимда рўйхатда туришади.

Инсонпарварлик нуқтаи назаридан менга ёрдам қилиши чўзасиз, деб умид қиламан.

Малика Баротбоева, Тўйтепа шаҳри, Чигирек посёқаси, Навоий кўчаси, 23-уй, 13-хонадон.

Аҳолим қийинлиги туғайли, моддий ёрдам ва болалар

Тахририят М.Баротбоевнинг аризаси юзасидан ўтказилган текширув яқунлари хусусида иккита жавоб хати олди.

Биринчи жавоб:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарори Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларга нисбатан қўлланади.

Бундай шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлишлари керак деган қўшимча шарт юқоридаги меъёрий ҳужжатларда мавжуд эмас.

А.СОЛИХОВ, Республика прокуратураси бўлим бошлиғи, 3-дарражи Давлат адлия маслаҳатчиси.

Иккинчи жавоб:

М.Баротбоевнинг аризаси юзасидан шуни маълум қиламизки, текширувда унга нафақалар тўлаш асоссиз равишда рад этилгани аниқланди.

Шу муносабат билан мазкур иш юзасидан тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди. М.Баротбоевга нафақа тўлаш масаласи ижобий ҳал этилди.

О.ХОЛМАТОВ, Тошкент вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси.

Хат тахрирсиз босилмоқда

АДОЛАТ ТАРОЗИСИ КИМНИНГ КҮЛИДА?

Шикоят хатини ёзишдан мақсад, менинг укам Ҳасан Уразбоев, 1975 йилда туғилган, 1998 йилнинг 28 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 277-модда, 2-қисми «б» банди билан айбланиб, хилофга олинган ва буши Тошкент вилояти Ангрэн шаҳар суди томонидан 1998 йилнинг 14 декабрда кўриб чиқилиб, ҳукм чиқарилган. Суд жараёнида даъвогар ва жавобгар томонларнинг кўрсатмалари эшитилган ва менинг укам уч йил олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Мен мазкур ҳукмни мутлақо ноқонуний деб ҳисоблайман. Сабаби, суд мажлиси жараёнида жабранувчи - даъвогар ўз кўрсатмаларида ўзининг тўйдан маст ҳолатда қайтаётганлигини ва у биринчи бўлиб судланувчигага жанжал учун йўл очганини, қолаверса у аввал судланганини тан олган. Менинг укам Ҳасан Уразбоев эса бу жанжални тинчтириш мақсадида аралашиб, охири оқибат ўз шағини ҳимоя қиламан деб, ноилоҳ «эжиноятчи»га айланган бўлган.

Ангрэн шаҳар суди жабранувчи-даъвогарнинг ва укам Ҳасан Уразбоевнинг кўрсатмаларидан келиб чиқиб ва укамнинг аввал судланганини, қолаверса, ёшигино инобатга олмади. Ҳуш, нега суд қарори ижро этилмаган? Бир муштипар она 8 йилдан бери сарсон-саргардон? Бунни қандай изоҳлайсиз?

Сизлардан суднинг хатти-ҳаракатларида ҳолисона баҳо бериниларини сурайман. Ахир ҳозирги куннинг талаби шу эмасми? Мухтарам юрбошчимизнинг ҳуқуқий давлат қуриш учун қилаётган бекиёс саъй-ҳаракатлари ҳам айнан шунга йўналтирилган эмасми? Тўғри, вилоят судига шикоятимиздан сўнг, вилоят суди укам Ҳасан Уразбоевнинг ишини қайтадан кўриб чиқди ва амнистия қўлланилиб, жазонинг маълум қисми қисқартирилди, Ангрэн шаҳар

судининг ҳукми бекор қилиниб, вилоят суди бошқатдан ажрим чиқарди. Аммо Ангрэн шаҳар суди ишни ўз вақтида тўғри ва ҳолисона кўрсатди эди, суд жараёнидаёқ амнистия қўлланилиб ҳукм ўқилган бўлур ва укамнинг соғлиғига путур етма-ган бўлур эди. Қизик, булар нима учун Президентимиз эълон қилган амнистияни қўллашма-ди, ёки уларга бу муҳим ҳуқуқ-жатининг аҳамияти йўқми?

Мен вилоят судининг ҳукмига норозилик билдирмоқчимасман. Лекин барибир биринчи босқич судининг айби билан укам Ҳасан Уразбоевнинг ёш умри бекорга ҳазон бўляпти. Чунки вилоят суди ҳар қандай шароитда ҳам барибир ўша биринчи босқич судининг фикрига қайсибир маънода қўшилмаганлигига ким ҳам қафолат бера олади.

Мен шахсан ўзим вилоят судига арз қилиш учун керак бўлган айблов қоғози ва суд ҳукмининг нуҳасини ҳам арағ уч кун ичида сотиб олишга мажбур бўлдим.

Ушбу шикоят хатимнинг ижобий ҳал қилинишига умид қиламан.

Р.ЎРАЗАБЕВА.

қўллаб аскарларимизнинг хотирасига уларнинг номлари ёзилган ёдгорлик тиклиниши мўлжалланмоқда. Ҳа, улар номаълум эмас, уларнинг номлари халқимизнинг қалб қўрида. Халқимиз ўз ўғлонларини ҳеч қачон унутмайди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларини инсоният тарихининг энг муҳдиси бир даври, деб биламан. Мен унинг жангхоҳларидо қатнашиб, не-не жаҳилликларнинг шахсан гувоҳи бўлганман. Уруш ортидаги воқеаларни эса фронтдан қайганимизда эшитиб билдик. Бу ердагилар фронт

кекса-ю ёш бирдай қўллаб-қувватлаётгани боиси ҳам ана шунда.

• Муносабат

урушларда қурбон бўлган шахидлар, Ватан ҳимояси учун жон фидо этган баҳолироқ хотирасини ёлаш, мустоқиллигимиз учун қурашган қаторимиздаги табаррук фахрийларни қадрлаш кўни бўлсин, деб тақлиф киритганлиги халқимизнинг дилидаги айни мўддао бўлди. Бундан айниқса, биз кексалар шодимиз. Тинч ва осуда ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз учун қирғинбарот жангларда жон олиб жон берганларни беэубор туйғуллар билан хотирлаш ҳар бир кишининг бурчи, виждон доъвати, деб биламан. Менинг ёшим 89да, урушнинг суронни йилларида душман билан олишувларда, Днепр дарёси кечувида қатнашиб, матонат кўрсатганимизда елкама-елка ёнимда турган баҳодир йигитларни бир-

бир эслаيمان. Жангхоҳлардан қайтмаган сафдошларимни хотирлайман, уларнинг мордликларини, жасоратга тўла нигоҳларини ҳеч унутмайман. Сафдошларимнинг номлари қалбимда абадий сақланади, уларнинг мордликлари мен учун барҳаётдир.

Мустоқил давлатимизнинг пойтахтида бунёд этилажак Хотира майдони шубҳасиз, Ватанимиз кўрғига кўрк қўшади. Бундай хотира майдонларини ҳар бир туман моркозларида ташкил этиш зарурки, маҳаллий халқ Хотира ва қадрлаш кўнларида бу ерларни зиёрат қилиб, шахидлар номини ёдлосинлар, тирикларнинг қадрига етиш учун чуқурроқ қайғурсинлар. Зери, инсон хотираси нондек азиз, уни қадрлаб, овлдорга етказмоқ эса мўқаддас бурчдир.


НОМАЪЛУМ ЭМАС

Абдусатор АБДУГАФФОРОВ, уруш фахрийси:

Юрбошимиз мамлакатимиз пойтахтида жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига тикланаётган хотира мажмуида бўлган чоғида инсон умри, қадр-қиммат, меҳр-оқибат ҳақида гапирганларидо телевизорга тикилиб ўтирарканман, кўз ўнгимда инсониятга улкан талафотлар келтирган иккинчи жаҳон урушининг қақшатқич воқеалари пайдо бўлди.

учун тинимсиз меҳнат қилиб, қанчадан-қанча юрдошларимиз, ёш болалар, кексайиб қолган ота-оналаримиз очлик ва оғир меҳнат азобларига чидаб матонат кўрсатганлар. Лекин уларнинг кўпчилиги бугун орамизда йўқ.

Уттанлар хотирасини ҳамиша ёдда тутмоқ, тирикларнинг қадрига етмоқни халқимиз қадимдан мўқаддас бурч ҳисоблаб келган. 9 май - хотирлаш ва қадрлаш кўни ҳақидаги Президентимиз тақлифини



Иноят НАВРЎЗБОВ, уруш қатношчиси, Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа тумани:

Мустоқил давлатимизнинг раҳбари - муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов 9 майни

Миллий гурур тарбияси, ягона халқ туйғусини ёшлар онгига сингдириш соҳасида ҳар кўни эринмасдан тинимсиз иш олиб боришимиз, бу йўлда энг таъсирчан, самарали воситалардан фойдаланишимиз шарт.

Биз 90-йилларнинг бошидаёқ, яъни озодлигимизнинг дастлабки кўнлариданоқ бу борада изчил ва қатъий сиёсат олиб бордик. Одамларни «сен - коммунист», «сен - диндор» деб гуруҳларга ажратмадик, жамиятимизнинг пароканда бўлиб кетишига йўл қўймадик. Бугунги жараёнлар ўша тадрижий, эволюцион сиёсат натижаси, унинг мантиқий давоми ва ривожидир.

Жамиятни доимий ҳаракатга келтириб турадиган куч- миллий ғоя, миллий манфаатга хизмат қиладиган қадриятларни, илгор демократик ҳолида ва тушунчаларни аниқ-равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, борини асраб-авайлаш, йўғини шакллантириш, бойитиш, ривожлантириш, халқни, аввало, ўсиб келаётган ёш авлодимизни ана шу билим ва қўникмалар билан тарбиялаш - маънавият соҳасидаги энг асосий вазифамиз бўлиши лозим.

КЎТАРИЛМАСИ

учрабди, Б.Отаниёзов томонидан ҳақоратланганини баён қилади. Эл оғалари, «катталар» икки қўшинни яраштириб қўйиш учун келишганида Б.Отаниёзовнинг ўйи қулфлоглик, ҳеч ким йўқ эди. Бу масалани маҳаллада муҳокама қилиб, ҳал этиш лозимлигини қишлоқ оқсоқолига топшириб, раҳбарлар кетишади.

Орадан кўп ўтмай, «Томадурводик» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси У.Юсупов бошчилигида бўлиб ўтган фуқароларнинг йиғилишида бу жанжал муҳокама этилади. Йиғилишда қишлоқнинг «Дургадик» маҳалласида истиқомат қилувчи Баҳодир Отаниёзов ва унинг онаси Ҳалима Рўзиеваларнинг ҳондорларини бунда кейин тўй ва маъракаларга тақлиф этмаслик, агарда ўзлари бормаслар уларнинг олдларига тоом тортмаслик тўғрисида қарор қабул қилинади.

Туман прокуратураси томонидан бу ерда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддаси қўлоп равишда бузилганлиги қайд этилди. Конституциямизга биноан мамлакатимиз

нинг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди ва мактебидан қатъий назор қонун олдида тенгдирлар.

«Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 7-9-моддаларига асосан қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан қарор қабул қилишда, йиғилиш маслаҳатчилар ҳамда вакилларнинг ўндан икки қисми қатнашганда ваколатли ҳисобланади ва баённома тузилиб имзоланади, деб кўрсатилган. Лекин, «Томадурводик» қишлоқ фуқаролар йиғинида атиги 7 нафар вакил ва битта маслаҳатчи қатнашган, холос. Қабул қилинган қарор ҳатто туман ҳокимига тақдим қилинмаган.

Ана шуларни инобатга олиб, туман прокуратураси томонидан протест келтирилди. Ушбу протест 1999 йил 24 январда кўрилиб, қаноатлантирилди. Б.Отаниёзов, унинг онаси ва она аъзоларининг фуқаролик ҳуқуқлари тикланди.

А.НУРМЕТОВ,
Хонқа туман прокурори ёрдамчиси.

Ўсмир ва қонун

Тошкент шаҳар прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи Улугбек ЖАЛОЛОВ билан суҳбат

БОЛАЛАР ТАҚДИРИ - КЕЛАЖАК ТАҚДИРИ

- Мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар келажагига алоҳида ташкил қилинган О.Муҳиддинов шаҳар прокуратураси, жумладан сиз бошқараётган бўлимда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

- Болалари эртасини ўйлаган



жамият, шубҳасиз, ўз келажагига муштақам замин яратган бўлади. Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Давлат аҳамиятига молик дастурлар ишлаб чиқилди, махсус жамғармалар ташкил этилди, «Соғлом авлод учун» ордени таъсис қилинди. Айниқса, Оила йили, деб эълон қилинган 1998 йилда болалар ва ўсмирлар тарбиясига алоҳида эътибор берилди. Болалар ва ўсмирлар тарбияси давлат сисъати даражасига кўтарилган кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг таркибий қисмини ташкил этади. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсоният тарихида болалар тарбияси жамиятнинг энг мураккаб вазифаларидан бири бўлиб келган. Иқтидорли, билимга чанқок, қобилиятли болалар билан бирга, турли сабабларга кўра ҳали турмуш аччиқ-чучуқларига тушуниб етмай туриб, ҳаёти издан чиққанларнинг мураккаб тақдир жамиятнинг энг оғриқли нуқталаридан бири бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга оширилодиган тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори бошқа тегишли ташкилотлар билан бир қаторда ҳуқуқни муҳофазга этиш идоралари, жумладан, Тошкент шаҳар прокуратураси жамоасининг ҳомиша диққат-эътиборида турди.

- Ушбу қарор бажарилиши юзасидан бевосита шаҳар прокуратураси ташаббуси билан давлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, му-

ассаса, ташкилотлар томонидан ўсмирлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс дастур қабул қилинганми. Унинг бажарилиши юзасидан қандай ишлар амалга оширилди?

- Маълумки, шаҳар ҳокимлиги, жумладан, барча туман ҳокимликлари қошида вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, ички ишлар бўлимидаги нозирликлар ўсмирлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, уларни ўқиш ва иш билан таъминлаш, яшаш шароитларини яхшилаш, таълим-тарбия ишлари қилишларида қатор ижобий ишлар қилишмоқда. Шаҳар прокуратураси эса улар фаолиятини доимий диққат-эътиборда тутиб, уларнинг қонунийлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Масалан, Оила йили, яъни 1998 йилнинг биринчи ярмида шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси вояга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаси фаолиятини атрофлича таҳлил қилиб чиқдик.

Таъкидлаш лозимки, ушбу муассасида ўтган йили Президент Фароғийши, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялари ва жамоат тарбиячилари тўғрисида»ги Низоми, Ички ишлар вазирлигининг тегишли буйруғи асосида муайян ишлар амалга оширилган. Аммо шу билан бирга, ички ишлар бўлиmlари қошидаги нозирликлар ҳамда жойлардаги ҳокимликлар комиссияси талай хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйганки, бу ўз навбатида қонун бузилиш ҳолатларининг юзга келишига шарт-шароит яратиб берган.

- Масалан?
- Жиноятларни содир этишда аниқланган эшлардан 106 та мактаб ўқувчилари, 62 та касб-хунар ўқув юртлари ўқувчилари, 37 та ўрта-махсус таълим муассасаларининг ўқувчилари жиний жавобгарликка тортилдилар. Ҳеч қаерда ишломасдан туриб жиноят содир этган шахслар эса бир неча юз кишини ташкил этган. Турли ҳуқуқбузарликлар содир этганликлари учун шаҳар



(Давоми 6-бетда).

САРИ

26 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга 24 та тақдиминома, 3 та амрнома киритилиб, бир неча нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган, 1 та жиний иш қўзғатилган. Давлат аҳамиятига молик муҳим тадбирда кўра-била туриб қонун бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан кўрилган бундай чоралар уларга юмшоққина қилиб қотанганга балли, дейилганда таъсурат қолдиради кишида. Натижда қонун бузилиши ҳоллари деврли одат тусига кириб қолган.

Фактларга назор ташлоайлик. Боғишамол туман қақирув комиссиясида туман ҳокимининг муовини У.Аслиддинов раис сифатида қатнашиши керак эди. Аслида эса унинг ўрнига комиссияда туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Б.Самиева доимий қатнашиб келган.

Пастдарғом тумани Мудофаа ишлари бўлимининг бўлинмаси бошлиғи, капитан, Б.Кенжаев 1978 йилда туғилган фуқаро Ш.Соибовни муддатдан ташқари ҳарбий хизматга қақирш билан кўрқитиб, бунинг эвзизига 6 минг сўм пулни пара сифатида олаётганда, жиноят устида қўлга олинган. Пораҳўрликда Самарқанд тумани Мудофаа ишлари бўлими ходими, прапорщик Ш.Саломов пастдарғомлик ҳамкасбини анча ортда қолдириб кетган кўринади. У 1998 йилнинг 3 ноябрида 1980 йилда туғилган фуқаро М.Бурҳоновни ҳарбий хизматга қақирш ини кечқитиришга, келгусида хизматдан қолдиришга ваъда бериб М.Бурҳоновнинг қариндоши М.Ҳамроқуловдан 30 минг сўм пулни пара сифатида олаётганда ушланган. Ҳозирда ҳар иккала факт юзасидан тергов ишлари олиб боришмоқда.

Маълумки, шифокорлар саломатлик посбани ҳисобланади. Инсон ҳаёти учун маъсул бу касб эгаларининг хато қилиши маънавий ҳақлари йўқ. Каттакўрғон

шаҳар тиббий комиссия врач Ш. Музаффаровнинг хизмат вазифасига совуққонлик билан қараганлиги натижасида эса, ёшлиғидан ошқозон хасталиғи билан оғриган фуқаро Д.Ҳасанов ҳарбий хизматга яроқли деб топилди, 1998 йил баҳорда қуролли кўчалар сафига жалб қилинган. Марказий ҳарбий тиббий комиссиянинг 1998 йил 6 августдаги хулосасига кўра унинг касаллиги аниқланган ва ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилди, муддатидан олдин хизматдан бўшатирилган. Худди шундай бепарволикни жабрини жомбойлик, 1979 йилда туғилган А. Эшбоев ҳам татиб кўришга мажбур бўлди. Тиббий комиссия врачларининг хизмат вазифаларига бепарволик билан қарашлари натижасида у 1997 йил 15 сентябрда туман, 6 октябрда вилоят қақирув комиссияси томонидан ҳарбий хизматга яроқли деб топилган. Ҳарбий хизмат даврида унинг ёшлиғидан касал эканлиги, яъни иккала буйрағида ҳароҳат борлиги, сийдик йўллари қаттиқ шомолланганлиги аниқланиб, Марказий ҳарбий - тиббий комиссиянинг хулосасига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилди, муддатидан олдин хизматдан бўшатирилган.

Ҳарбий хизматдан бўйин товлалаш республика қонунларига кўра жиний ёки маъмурий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлишини хат-саводи бор, баалоғат ёшига етган ҳар бир йигит яхши билади. Қолаверса, бу йигит киши учун уятдир. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кўнлар» романидаги Кумушбиби образини эсланг. Унинг дунёқарашидоги энг мудҳиш айблов «уятсиз» сўзи эди. (У бу сўзни Зайнабга нисбатан ишлатади). «Уят» тушунчасини шу қадар юксакда тутган халқнинг айрим йигитлари бугунги кунда уятсизлик юз тутганларини қандай изоҳлаш мумкин? Аниқланишича, пастдарғомлик У. Қодиров (1979 йилда туғилган), Э.Бобоёров (1978) М.Холиёров (1978), Э.Ярашов (1973) лар 2-3 йилдан бери қақирувга доимий келмасдан юрганлар, ажабланарлиси,

туман Мудофаа ишлари бўлимидагилар уларга нисбатан ҳеч бир чора кўрмаганлар.

Каттакўрғонлик, 1975 йилда туғилган О.Муҳиддинов шаҳар тиббий комиссиясидан ўтиб, ҳарбий хизматга яроқли деб топилган. Лекин қақирув комиссиясига келмаганлиги учун Каттакўрғон шаҳар судининг 1998 йил 24 июндаги ажрими билан 1500 сўм жаримага тортилган. У маъмурий жавобгарликка тортилган бўлишига қарамай, 1998 йил кузги қақирувга ҳам келмасдан юрганлиги аниқланиб, Республика Прокуратурасининг аралашуви билан 1998 йил 16 ноябрь кунги яна бир марта, бу сафар Жиноят Кодексининг 225-моддаси билан жиний жавобгарликка тортилган.

Қонун берган ҳуқуқлардан маза қилиб фойда-ланишни ҳаммамиз биламиз. Қонун бизга юклаган бурчларга келганда эса, аҳвол юқоридо айтилганидек. Ҳуқуқий демократик давлат кўрмоқчи эканмиз, аввало ҳуқуқ ва бурчлар мувозна-натиға эришмоғимиз лозим.

Юқоридоги камчиликларнинг асосий сабабларидан бири шаҳар, туман прокурорлари Республика Прокуратурасининг 1995 йил 1 мартдаги ҳайъат мажлиси қарорларини етарли даражада бажармоётганликлари ва юқоридо қайд этилган қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни бўшатириб юрганликларидир. Жомбой тумани прокурори ёрдамчиси Б.Боймирзаев, Боғишамол тумани прокурори ёрдамчиси Ф.Самидуродов каби маъсул шахслар прокуратура ходимларининг туман қақирув комиссиялари таъминламаганлар. Агар қонун ҳимоячилари қақирув комиссиялари ишини назорат қилиб борганларида бундай ҳолатларнинг олдини олган бўлур эдилар.

Ш.ОБИДОВ,
Республика прокуратураси бўлими бошлиғи ўринбосари.
Ф.НАГАЕВ,
Мудофаа вазирлиги бўлими бошлиғи.

ЭНГ БОЙВАЧЧА КЛУБ

Айни пайтда Англия футбол премьер-лигасининг етакчи жамоаси Манчестр-Юнайтед дунда энг бой клуб саналади. Ушбу маълумотни йирик аудиторлик компанияларидан бири «Делой энд Туш» таркатди.

Аниқланишича, «Манчестр-Юнайтед»нинг 1996-1997 йилдаги умумий айланма маблағи 87,8 млн. фунт-стерлингга ташкил этган. Инглизлар кейинги ўринларда «Барселона» (58,9 млн.), «Реал Мадрид» (55,7 млн.), «Овентус» (53,2 млн.) ва «Бавария» (Мюнхен 51, 6 млн.) бормоқда.


Мутахассислар «Манчестр-Юнайтед»нинг молиявий кучининг юқори даражада бўлиши биринчи навбатда тижорат ишларининг мохирлик билан олиб борилаётганигандир, деб баҳоламоқдалар.



Мамлакатимиз доверугини жаҳонга таратаётган ёш шахмат усталаридан бири Рустам Қосимжанов сирли доналар узра ўйга толиб тураркан, вақти келиб жаҳонга машҳур шахматчи Гарри Каспаровга қарши дон асуришни ҳаёлига келтирганмикан.

А.МАМАТҚУЛОВ олган сурат.

КРОССВОРД



Бўйига: 1. Ўрта Осиёдаги қадимий шахар. 2. Республикамиздаги жағфармалардан бири. 3. Тўрт бош фаришадан бири. 5. Хўр, эркин. 6. Асл, асл нусха. 7. Диний этиқоднинг таркибий қисми. 8. Бахт, омад. 9. Ҳайвон тури. 11. Мусиқа асбоби. 14. «Минг бир кеча» эртаги қаҳрамони. 15. Қирғоқнинг кемалар тўхташи учун мўлжалланган жойи. 16. Алп Эр Тунганнинг форсча аталиши. 17. Туркиядаги шахар. 18. Афсонавий Широқ мансуб бўлган қабиласи. 19. Энг улкан эҳром. 23. Инсон, одам. 27. Латвия пул бирлиги. 28. Скандинавиядаги шахар. 29. Ўзбек уруғларидан бири. 32. Тасдиқ, жавоб.

Энига: 4. Осиёдаги давлат. 10. Қадимги Ҳинд фалсафий мактаби. 11. Афғонистондаги ҳарбий ҳаракат вакиллари. 12. Покистоннинг олдинги пойтахти. 13. Массаж усули. 17. «Халқлар отасининг исми. 20. Эҳтиёж, сўраш. 21. Ошқозон дориси. 22. Европадаги шахар. 24. Инсоннинг бирон ишни бажаришга қаратилган онгли интилиши. 25. Дунё, борлик. 26. Совға-салом. 29. Қиз болалар исми. 30. Андижон вилоятидаги туман. 31. Литва пул бирлиги. 33. Теварак атрафдаги нарсаси ҳодисаларни ҳис қилиш. 34. Ярим орол. 35. Болгарияда яшagan башоратчи.

Газетанинг 5-сонида берилган кроссворд жавоблари.
Энига: 1. Ғузур. 5. Оқтош. 8. Улфат. 9. Зоҳид. 10. Иснод. 11. Афсун. 14. Азон. 17. Уста. 19. Айн. 20. Акл. 21. Улу. 22. Айва. 23. Аср. 25. ЭҲМ. 26. Ариф. 28. Ошна. 31. Умнат. 34. Акром. 35. Уммон. 36. Ресер. 37. Дамла. 38. Кельн.

Бўйига: 1. Ғазна. 2. Зухро. 3. Руда. 4. Офис. 5. Отин. 6. Туинс. 7. Шудра. 12. Фин. 13. Ука. 15. Зилол. 16. Насаф. 17. Уламо. 18. Товон. 24. Рум. 25. Эна. 26. Ананд. 27. Икром. 29. Шамол. 30. Айан. 31. Умра. 32. Миср. 33. Турк.

Олмон хандалари

ТАНИШ ЎТКА

- Бугундан бошлаб фақат овқатдан кейин битта папирос чекинг!
- тойинлади врач беморга.
- Бир ҳафтадан кейин бемор яна врачнинг ҳузурига келди.
- Мана энди кўринишингиз анча тузук, тўлишибсиз, рангингизга қон югуриб қолибди, - деди врач.
- Ҳа, албатта, мен ахир бир ҳафтадан бери йигирма марта лаб овқатланишга мажбур бўлаётиман-да.

- Бунақа йўталар экансиз, пивони ҳам, ароқни ҳам, винони ҳам ичсини бас қилишингиз керак, - деди врач беморга.
- Мен унда нима қилишим керак, фақат йўталиб юрaverайми?

- Бундан аввал ҳам касал бўлганмисиз?
- Ҳа, бундан икки йил аввал ўзингизда довланганман.
- Шунақа денг, ўлкангиз менга жуда таниш кўринди-да, шунга сўраганим.

Олмончадан йўлдош ПАРДА таржимаси.

ҚУРУМСОҚМИ, ТЕЖАМКОР?

Ҳолливуд юдузи Жеки Чаннинг кинога тушиш жараёнида ўриносарларга ҳожат йўқ. Ҳатто ўта хавфли трюкларда ҳам Жеки уларга «суянмайди». Оқибатда у ўзини гуралар, баъзан жиддий жароҳатлар билан сийлайди. Шундай бўлсада, у, ҳаммасини ўзим бажаришим шарт, деб ҳисоблайди.

Жеки Чанга нафақат экранда, ҳаётда ҳам ёрдамчиларнинг кераги йўқ. Миллионер Жекининг Ҳолливуддаги кўпчилик кўшиларидан фарқи жиҳати, у ўзига хизматкор ёлламаган. Жеки уй юмушларининг ҳаммасини ўзи эплайди. Пайпоғини эса ҳеч кимнинг ёрдамисиз қўлда ювиб қўя қолар экан. Кўпинча ўртоқлари унинг пол артаётгани устидан чиқиб қолишаркан. У бунга оқддийгина қилиб: «Нега энди ўзим бемалол қила олган иш учун кимгадир пул тўлашим керак?» деб тушунтиради. Яна айтишларича, Жеки тасвирга олиш жараёни тугагач, дарҳол кино аппаратураларни йиғиштиришда тасвирчиларга ёрдамлашиб кетар экан. Одатда, Америкада бундай ишларни энг кам ҳақ тўланадиган хизматчилар бажаришади. Қисқаси, у ҳаётда ҳам кинода яратган қаҳрамонлари каби ҳоқисор йигит.

Жеки Чан тежамкорликни ҳам қойиллатиб қўяркан. У шаҳардан шаҳарга кўчаётганда, фойдаланган совуни бўлагини ўзи билан олаволишни сираям эсдан чиқармас экан. Ана бунга ҳақиқий тежамкорлик деса бўлади. Балким, Жекининг бу хатти-ҳаракатлари кимгадир қурумсоқлик бўлиб кўринар. Ким нима деса десину, лекин Жеки Чан бугунги кунда каттагина сармоядорга айланб улгурган.



Тоғ манзараси.

А.МАМАТҚУЛОВ олган сурат.

ЎЛИМ ЖАЗОСИ ВАҚТИНЧА БЕКОР ҚИЛИНДИ

Россия Федерацияси Конституциявий суди муҳим бир қарор қабул қилди. 2 февралдан бошлаб мамлакатда ўлим жазоси тайинланмайдиган бўлди. Лекин бу ишни амалга оширишда жиддий муаммолар ҳам йўқ эмас. Бунинг учун аввало, Федерациянинг барча субъектларида суд маслаҳатчилари таъсис этилиши керак бўлади. Бироқ молиявий аҳволнинг оғирлиги ҳозирча бунга имкон бермайди.

Шундай бўлса-да, Конституциявий суд ўз қарорига Федерал Мажлисга ўлим жазоси билан жазоланадиган жиноятни содир этишда айбланувчи ҳар бир шахснинг иши суд маслаҳатчилари томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқини таъминлайдиган ўзгартиришларни қонунларга киритишни таклиф этди.

Спорт

Теннис бўйича Дэвис кубоги дуненинг энг нуфузли мусобақаси саналади. Бу мусобақада юртимиз теннисчилари ҳам муваффақиятли иштирок этмоқдалар.

Осиё-Океания минтақасининг биринчи гуруҳига кирувчи Ўзбекистон ва Покистон терма жамоаларининг Тошкентдаги учрашуви уч кун давом этди. Бу баҳсда Б.Кученов, О.Огородов, Д.Томишевичдан иборат мамлакатимиз терма жамоаси 4:1 ҳисобида ғолаба қозонди.

Энди ҳаюмюртларимиз олдида яна бир жиддий синов турибди. Улар 2-4 апрел кунлари Япония-Ливан ҳуфтлигининг ғолиби билан кўч синошадилар.

Осиё кубок эгалари кубоги учун навбатдаги ўйинлар бўлиб ўтди. Чорак финалда «Пахтакор» Саудия Арабистонининг «Ал Иттиҳод» жамоасига рубарў бўлди. Сафардаги ўйинда «Пахтакорчилар» 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйишди.

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

Хуқуқ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Конуи ҳимоясида» журнали

Манзил: Тошкент шаҳри, академик Ҳе Ғуломов кўчаси, 66-уй.

Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Мезон

«ОЛТИН РЎЙХАТ»ДА КИМ БОР?

Сўнги 10 аср мобайнида ихтиро қилинган энг муҳим кашфиётлар қайсылар? Англиянинг Би-Би-Си корпорацияси тугалланаётган минг йиллик эрафасида юқоридаги саволга жавоб топиш мақсадида тадқиқот ўтказди. Сўров шаклида ўтказилган тадқиқот натижаси қуйидагича: 1-ўрин немис ихтирочиси Иоганн Гутенбергга насиб қилди. Маълумки, Иоганн Гутенберг XV асрда китоб нашр қилишни ихтиро қилган эди. Компьютер эраси деб атаётган бугунги кунда ҳам дйтганча, сўровлар Интернетдан фойда-

ланувчилар орасида ўтказилган эди) одамлар китобнинг ва китобни ўқишнинг фойдали эканлигини унуттирмаган экан.

Иккинчи ўринда эса электрни кашф қилган Томас Эдисон кўрсатилган эди. Бу энди тушунарли, ҳар қалай китобни бругда ўқиш қулайроқ. Демак, бу ҳулоса ҳам манлиқий.

Учинчи ўринни эса француз мусаввири Леонардо да Винчига муносиб кўришди. Йўқ, бунга Жақонданинг ҳеч бир дахли йўқ. Кўпчиликка маълумки, унинг жуда

кўп гоёлари ҳали амалиётда ўз аксини топганича йўқ. (Унинг ҳамма ихтиролари амалиётда қўлланилганда борми...)

Рўйхатда да Винчидан кейин бошқа «гуманист»ларнинг номи кўрсатилмаган, қолганлар қаторасига техника ихтирочилари.

Баъзилар бу «олтин рўйхат»га гилдирекнинг номаълум ихтирочисини, футбол ихтирочисини (эйтибор қилинг, сўров Англияда ўтказилган!) ва ҳоказоларни ҳам киритишни таклиф этишди. Сиз-чи, сиз бу рўйхатга кимларни киритган бўлар эдингиз?

Бош муҳаррир: Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати: Асрор Аҳмаджонов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Мэлс Назимов, Орипжон Холимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамедалиев.

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. Кўчириб босилганда «Хуқуқдан олинганлиги» кўрсатилиши шарт.

«Хуқуқ» оригинал макети.

Навбатчи: Б.Уллубоев.

1 2 3 4 5 6

Газета PENTIUM - II mmx компьютерида саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни басмаҳонасида босилди. Манзил: Тошкент. Буюк Турон кўчаси - 41. Нусхаси - 21591. Буюртма Ғ-0143. Бичими А-3.

Сотувда эркин нарҳда.

Босишга топшириш вақти: 20.00
Босмаҳонага топширилди: 19.00